

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

268 **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортни юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 июнь,
137-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 2 июндаги 137-сон қарорига
ИЛОВА

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортни юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортни тузиш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Юритишида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

органлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳар бир ҳудуд бўйича паспорт тузадилар. Паспортда ушбу ҳудудни, унинг режими ва бошқарувни тавсифлайдиган маълумотлар кўрсатилади.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади.

4. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортларининг ҳисоби реестрда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар паспортларининг ҳисоби реестри Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти юритишида ушбу ҳудуд бўлган давлат органида, юридик ёки жисмоний шахсда сақланади. Паспортнинг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига берилади.

6. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспортига:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудни қайта тузиш тўғрисидаги ҳужжат (қарор);

унда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий объектлар ва мажмуаларнинг асосий турлари фотосуратлари;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва унинг муҳофаза зонаси доирасида ер участкаларининг чегаралари чизилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва унинг муҳофаза зонаси харитаси илова қилинади.

Зарурият бўлганда муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортига паспортда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар (материаллар) илова қилинади.

7. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти у юритишида бўлган давлат органи, юридик шахснинг раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Жисмоний шахснинг юритишида бўлган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд паспорти унинг эгаси томонидан имзоланади.

8. Паспортга киритилган маълумотларнинг тўғрилиги, шунингдек уни ўз вақтида янгилаб туриш учун жавобгарлик юритишида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўлган давлат органларига, юридик ва жисмоний шахсларга юкланади.

9. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти унга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда янгиланиши керак. Янгиланган паспорт нусхаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар паспортлари ҳисобини юритиш реестрни долзарб ҳолатда сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига берилиши керак.

10. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспорти янгиланган тақдирда олдинги паспорт у юритишида бўлган давлат органида, юридик ва жисмоний шахсда 5 йил мобайнида сақланиши керак.

11. Сақлаш муддати тамом бўлган ёки муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилганда барча паспортлар белгиланган тартибда тегишли архивларга берилиши керак.

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Муҳофаза этиладиган табиий
худуднинг паспортини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг
ПАСПОРТИ**

- 1. Номи: _____
- 2. Тоифаси: _____
- 3. Тури: _____
- 4. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудни тузиш (қайта тузиш) тўғрисидаги ҳужжат (қарор): _____

(тузиш тўғрисидаги ҳужжатнинг номи)

_____ (қарорни қабул қилган органнинг номи)

_____ (ҳужжатнинг тури)

_____ (тартиб рақами)

_____ (сана)

- 5. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд жойлашган жой: _____

- 6. Эгасининг (юқори ташкилотнинг) почта манзили: _____

- 7. Идоравий мансублик/эгаси: _____

- 8. Майдон (га): _____,

Ҳудудни зоналаштириш:

_____ (зонанинг номи)

_____ (майдон)

_____ (зонанинг номи)

_____ (майдон)

_____ (зонанинг номи)

_____ (майдон)

_____ (зонанинг номи)

_____ (майдон)

_____ (зонанинг номи)

_____ (майдон)

- 9. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудга бериладиган ерлар:

_____ (ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган орган(лар), қарорнинг тартиб рақами ва санаси)

_____ (давлат ер кадастрида участка(лар)нинг тартиб рақами ва рўйхатдан ўтказилган санаси)

10. Фойдаланувчилар (эгалари), бошқа шахсларга берилган ерларнинг сони ва майдони:

а) қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар _____

б) ўрмон фонди ерлари _____

в) ер фондининг бошқа тоифалари _____

11. Муҳофаза этиладиган зона(лар) ва майдон: _____

12. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қисқача тавсифи (табиий-географик шарт-шароитлар, флора ва фауна): _____

13. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд режим ва уни бошқариш: _____

14. Муҳофаза этиладиган табиий объектлар ва мажмуалар: _____

15. Халқаро Қизил китобга киритилган турлар:

ўсимликлар _____

хайвонлар _____

16. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган турлар:

ўсимликлар _____

хайвонлар _____

17. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортига илова қилинадиган материаллар: _____

(юрidik шахснинг)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Муҳофаза этиладиган табиий
ҳудуднинг паспортини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг
паспортлари ҳисобини юритиш
РЕЕСТРИ**

Т/р	Номи, тоифаси (тури)	Тузилган санаси	Жойлашган жойи	Идоравий мансублик/ эгаси	Майдон	Ўзгартирилган сана